

235-сонли ШАРТНОМА

Тошкент шаҳри

“06” 01

2020

йил

Кейинги ўринларда “Ижрочи” деб юритиладиган “Тошйўловчitransхизмат” УК номидан Низом асосида иш кўрувчи директор Атажанов А.И., бир томондан, ва кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган

Таш. Гар. Ж.В.Д.

номидан устав

асосида иш кўрувчи

(корхона, ташкилотнинг номи)

Артыков А.Ф.

(корхона, ташкилотнинг раҳбарининг фамилияси, исми, шарифи)

иккинчи томондан, шартнома бўйича биргалиқда “Томонлар”, “Тошшаҳартрансхизмат” АЖниг 2020 йил 18 ноябрдаги 204-сонли буйруғига асосан “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ қайта ташкил этиш йўли билан “Тошйўловчitransхизмат” УКни ажратиб чиқариш ва фаолиятини қайта тиклаши сабабли, мазкур шартномани қуидагилар ҳақида туздилар:

**I. Шартнома мавзуси**

**1.1.** Ушбу шартнома шартларига асосан “Буюртмачи” буюртма беради ва буюртма ҳақини тўлайди, “Ижрочи” эса Тошкент шаҳри йўловчи ташиш транспортида юриш учун транспорт карталари сотади ва уларни ҳисобини тариф режалари билан тўлдиради.

**II. Шартнома қиймати**

**2.1.** Давлат корхонаси бўлган “Буюртмачи”га транспорт карталари ва тариф режалари сотиб олиш учун давлат бюджетидан ушбу шартномага асосан бир йилга ажратилган маблағ Ч20000 (Етакче тоз ёнгирсан симон сан) сўмни ташкил этади.

**2.2.** Юқорида кўрсатилган маблағдан ташқари транспорт карталари ва тариф режалари сотиб олинса ёки транспорт карталари ва тариф режаларининг нархи ошган тақдирда, бу маблағни “Буюртмачи” бошқа бюджетдан ташқари манбалардан олган ўзининг маблағлари ҳисобидан тўлайди.

**III. Тўловлар тартиби**

**3.1** “Ижрочи” томонидан транспорт карталари ва тариф режаларини “Буюртмачи” га Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 24 августдаги 241-сонли қарорига биноан олинаётган транспорт карталалари ва тариф режалари учун “Буюртмачи” томонидан олдиндан 100 % пул маблағлари тўланиб, “Ижрочи” нинг ҳисоб рақамига келиб тушгандан сўнг ҳамда ушбу маблағлар миқдорида, “Буюртмачи” нинг кафолатли шахслари орқали ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома ҳамда шахсга тегишли паспортнинг асл нусхаси тақдим этилган тақдирда, сотилаётган кундаги прейскурант нархларига мувофиқ сотилади.

**IV. “Томонлар”нинг мажбуриятлари****4.1. “Ижрочи” ўзига қуидаги мажбуриятларни олади:**

**4.1.1.** Ҳар ойда “Буюртмачи” томонидан транспорт карталарига тариф режаларини тўлдириш учун олдиндан ўтказилган пул маблағига асосан қуидаги манзилда амалга оширилади: 100100 Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур 1 тор-кўчаси, 6-уи.

**4.1.2.** “Ижрочи” ҳар ойнинг 20 санасидан бошлаб транспорт карталарини сотиш ва тўлдириш учун “Буюртмачи”дан буюртма қабул қиласида ва хужжатларни расмийлаштиради. Ҳар ойнинг 20 санасидан 25 санасигача соат 8-00 дан 17-00 гача (12-00 дан 13-00 гача танаффусдан ташқари, шанба ва якшанба дам олиш кунлари.) “Буюртмачи” га расмийлаштирилган хужжатларга асосан транспорт карталари берилади ва уларга тариф режалари ўтказиб берилади.

“Ижрочи” имтиёзли транспорт картани сотишдан олдин, “Буюртмачи” томонидан имтиёзли транспорт картасидан фойдаланадиган ходимнинг шахсини тасдиқловчи хужжатнинг нусхаси ва гувоҳнома нусхасини қабул қилиб олади.

**4.1.3.** “Ижрочи” томонидан транспорт карталари ва уларга тўлдирилган тариф режалари счёт-фактура-юк хати асосида “Буюртмачи”га берилиб, унда транспорт карталари ва тўлдирилган тариф режаларини сони (доналарда), нархи, жами суммаси, серияси ва рақамлари, шунингдек қолдик суммаси кўрсатилади.

**4.1.4.** “Ижрочи” томонидан транспорт карталари ва тариф режалари “Буюртмачи”га ўтказиб бериладиган вақтида, уларнинг нархлари ўзгарган тақдирда, “Буюртмачи” томонидан тўловнинг қайси кунда амалга оширилганидан қатъий назар, “Буюртмачи” нинг ишончномаси, қўшимча тўланган пул маблағи ҳақидаги тўлов топшириқномаси ва банқдан “Ижрочи” нинг ҳисоб рақамига пул ўтказилганлигини тасдиқловчи хужжат бўлган таклирда шу кундаги ўрнатилган нархларни